230496

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

17 апрель, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 75 (1328)

# КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ҚУРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛАҚИТ БЕРМАНГ!

***Аввал хабар қилганимиздек, 12 апрель куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари, республика ҳамда хориж журналистлари билан учрашди.***

***Ўзбекистон раҳбарининг ушбу учрашувда сўзлаган нутқи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган эди. Бугун эътиборингизга Ислом Каримовнинг журналистларнинг саволларига жавобларини ҳавола этамиз.***

***Моника Уитлокк, Би-Би-Си (Англия): Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия ўртасида тузилган шартнома кўпчилик учун мавҳум иборалардан иборат: уларда аниқ-равшан гаплар йўқ. Агар мумкин бўлса, ўзингиз тилга олган, давлатлардан устун турувчи тузилмалар тўғрисидаги маълумотларни қаердан билиб олганингизни сўзлаб берсангиз.***

И.КАРИМОВ: Агар сиз мазкур ҳужжатлар билан синчиклаб танишганингизда (дарвоқе, улар ҳали ҳеч қаерда чоп қилинган эмас), саволингизга жавоб топган бўлардингиз.

Тўртлар шартномасининг 17-ва 24-моддаларида таъкидланганидек, давлатлардан устун турувчи тузилмалар, яна ҳам аниқроғи, Давлатлараро Кенгаш, Парламентлараро комитет ҳамда Интеграцион комитет тузиш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатларда олий ва ижроия органлари ўша Ҳамжамият таркибига кирувчи республикаларнинг ташкилотлари ва органлари бажариши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга экани таъкидланади.

Чамаси, сиз ўша ҳужжатларни имзолаш чоғида берилган баландпарвоз баёнотлар мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмагансиз.

Биз куни кеча Россия Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган бир ҳужжатни олдик. Унда ўша шартномаларнинг моҳияти изоҳланган.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида мен ҳам мазкур ҳужжатларни имзолашга таклиф этилган эдим. Шунинг учун ҳам мен бу тайёрланган лойиҳаларнинг муайян моддалари билан батафсил танишиб чиқиш имконига эга бўлган эдим.

Менинг бундай хулосалар чиқаришимга асос берган манбалар ана шулардир.

***Имтиёз ул-Ҳақ, "Навои вақт" газетаси (Покистон): Яқин вақт ичида Тошкент ёки Самарқандда Покистоннинг йирик тижорат банки очилишига умид боғлаш мумкинми? Ўзбекистон-Покистон савдо палатасини ташкил этиш имконияти борми?***

И.КАРИМОВ: Ўзбекистонда қўшма корхоналар ва бошқа қўшма тузилмалар ташкил этиш бўйича қонунлар қабул қилинган. Бунинг учун қонуний асос яратилган. Покистон ҳам бу ерда ўша қонунлар асосида сиз айтаётган тузилмаларни ташкил этиши мумкин.

***Ёқуб Турон, "Озодлик" радиоси: Марказий Осиёда жойлашган уч мамлакат - Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ягона иқтисодий макон тузиш юзасидан шартномага қўл қўйган эди. Қозоғистон ва Қирғизистон сиз эслатиб ўтган Тўртлар шартномасини имзолагандан сўнг бу икки мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқиш ниятингиз борми?***

И.КАРИМОВ: Йўқ, бизнинг бундай ниятимиз йўқ. «Шу жавоб билан ҳам чекланишим мумкин эди.

Лекин сизни ҳурмат қилган ҳолда бу масалага сал кенгроқ тўхталмоқчиман. Гап шундаки, ҳар бир раҳбар Марказий Осиё минтақасида мавжуд воқелик билан ҳисоблашишга мажбур. Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясини вужудга келтириш, ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисида гапирганда, аввало, бундан бир йил олдин имзоланган битимни эсга олиш керак.

Бундай интеграция ҳар бир давлатнинг манфаатларига мос келади. Бизни бирлашишга бир тарафдан халқларимиз, иккинчи тарафдан эса минтақа эҳтиёжи ундамоқда.

Менинг сизга маданий, тил ва маънавий илдизларимиз бирлиги, шу минтақада истиқомат қилаётган ҳар бир қозоқ, туркман, ўзбек, қирғиз ва тожикнинг руҳидаги бирлашишга бўлган интилиш тўғрисида гапириб ўтиришим шарт бўлмаса керак. Агар биз буни ҳисобга олмасак, тарих бизни кечирмайди.

Сиз тилга олаётган Тўртлар шартномасида унинг иштирокчиларига бошқа давлатлар билан мустақил равишда муносабат ўрнатиш ва шартномалар тузишга изн берадиган модда бор.

Муҳими, мен дўстим Нурсултон Назарбоевни Қозоғистоннинг ва бутун минтақамизнинг ватанпарвари деб биламан. Асқар Акаев тўғрисида ҳам шуни айтишим мумкин.

Булар барчаси бизнинг ҳамкорлигимиз учун шарт-шароит яратади.

***Ю.Галимов, "Деловой мир" (Россия): Жаноб Президент, Сиз Россия ҳамон Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шериги бўлиб қолаётгани тўғрисида гапирдингиз. Бу икки мамлакатнинг кўплаб бизнесменларига ҳам таалуқли. Бизнинг ўқувчиларимизни шундай савол қизиқтиради: зикр этилган тўрт давлатнинг ўзаро сиёсий ва иқтисодий яқинлашуви валюта бозори шаклланишига қандай таъсир кўрсатади? Мен МДҲ ҳудудида "юмшоқ" валюталарнинг курсини аниқлаш механизми, давлатлар ўртасидаги тўловлар механизмини назарда тутяпман.***

И.КАРИМОВ: Менинг Тўртлар шартномаси қатнашчилари номидан гапириш ваколатим йўқ. Шунинг учун фақат ўз мулоҳазаларимни билдиришим мумкин. МДҲ доирасида имзоланган битимларда сиз сўраётган муаммоларни ҳал этишнинг анча мақбул йўллари кўзда тутилган. Булар сирасига божхоналар иттифоқи, тўловлар иттифоқи тўғрисида битимлар имзолаш ва ундан кейин валюта иттифоқи тўғрисидаги битим билан боғлиқ масалаларни ечиш кабиларни киритиш мумкин.

Бугун божхоналар иттифоқи унинг таркибига кирган мамлакатлар ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш, товар айланмасини кескин кўпайтириш имконини берди, деб гапирилганда, ўз-ўзидан бир савол туғилади. Агар тўловлар ҳамда бунинг учун маърифий меъёрлар яратиш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаса, товар айланмасининг ўзи давлатларнинг маърифий муносабатларида ҳеч нарсани англатмайди. Энди айтинг-чи, қайси корхона, қайси савдо тузилмаси, ўзаро тўловлар таъминланмай туриб, бошқа мамлакатга товар юбориши мумкин? Ахир бугунги кунда Россия корхоналари ўртасидаги ўзаро қарзлар миқдори, Россиянинг ўз матбуоти хабарларига қараганда, ниҳоятда кўпайиб кетган. Афсуски, улар камаймаяпти. Мазкур принципиал масалани ҳал этмай туриб, қандай қилиб савдо айланмаси тўғрисида гапириш мумкин? Агар Россиянинг ўзида тўловлар масаласи ҳал этилмаса, қандай қилиб уларни давлатлар ўртасида ҳал этиш мумкин?

Валюта ва валюта курси тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу масалани ҳал этиш ўта муҳим, бундан кейинги барча муносабатларимиз шу билан бевосита боғлиқдир. Россия Давлат банки бошқарувчиси жаноб Дубинин яқинда Россия тез орада Халқаро валюта фонди билан валютани жорий ҳисоб-китоблар бўйича конвертация қилишга тегишли битимни имзолашга ва мазкур фонд Уставининг 8-бандига қўшилишга тайёр эканини билдирди. Демак, ҳозирча валюта эркин конвертация қилинмайди, бироқ жорий ҳисоб-китоблар конвертация этилади. Бу Россия рублининг катта ютуғидир.

Бизга маълум бўлишича, бугунги кунда Россиянинг олтин-валюта ресурслари, заҳираси 14 млрд. АҚШ долларини ташкил этади ва бу Россиянинг уч ойлик импортини таъминлаши мумкин. Бу миллий валютани конвертация қилишнинг асосий шартларидан биридир. Россия билан савдо-сотиқ қилишни истаётган шерикларнинг аҳволи қалай, улар ҳам Россия билан тенг бўлишга тайёрми? Мендаги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон собиқ совет республикалари ичида бу масалада Россия билан бир қаторда тура оладиган ягона мамлакатдир. Буни Халқаро валюта фонди ҳам тасдиқлайди.

Заҳираларимиз, жумладан, олтин-валюта заҳираларимиз билан импорт операцияларни уч ой эмас, олти ой ҳам кафолатлаш имкониятига эгамиз. Россия ўз рублини қандай кафолатлаган бўлса, миллий валютамизни биз ҳам барча мезонлар ва шартлар бўйича шундай кафолатлашга қодирмиз.

Бошқа давлатларга келсак, мен уларнинг ички имкониятларидан хабардор эмасман, шуни аниқ биламанки, том маънодаги савдо ва тўловни йўлга қўйиш учун барча ўша мезонларга интилиши, ўша шартларга сўзсиз амал қилиши керак.

***Ш.Ғаниева (РЖТ мухбири): Муҳтарам Президент, МДҲдаги вазият Россияда воқеаларнинг бундан кейин қандай кечиши билан боғлиқ, дедингиз. Башарти сайловларда коммунистларнинг қўли баланд келса, чуқур интеграциялашув шартномасига имзо чеккан давлатлар тақдирига мазкур салбий ҳодиса қандай таъсир этиши мумкин? Россия билан Ўзбекистоннинг муносабатлари қандай бўлади? Воқеаларнинг қандай кечишидан қатъий назар, Россия бари бир Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан асосий шериги бўлиб қолиши муқаррар-ку?!***

И.КАРИМОВ: Агар Россияда шу воқеа юз берса, рўй-рост айтмоқчиман, вазият мушкуллашади.

Россияда коммунистлар ҳукумат тепасига келса, иқтисодиётни бошқариш, мулкчилик масалалари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг чигаллашуви, ўзгача тартиблар ўрнатилиши турган гап. Гарчи жаноб Зюганов Давосда ва бошқа жойлардаги учрашувларида, хавотир олманглар, биз маърифий мезонлар ва қонунчиликка шак келтирмаймиз, деб жар солаётган бўлса-да, вазият кескинлашмаслигига кўзим етмайди.

Жаноб Зюгановнинг баёнотларида чалкаш, мужмал мулоҳазалар жуда кўп. Коммунистлар замони келса, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги давлатлар ўтмоқчи бўлган бозор иқтисодиёти муносабатлари мезонлари чиппакка чиқиши шубҳасиз. Бозор иқтисодиёти муносабатлари билан коммунистлар ўз дастурларида олға сураётган ғоялар, йўл-йўриқлар шу қадар йироқки, бу илон билан типратиконни чатиштиришдек гап.

Сайловда коммунистларнинг ютиб чиқиши, аввало Россиянинг ўзини умумжаҳон тараққиётидан бир неча йиллар орқага улоқтириб юборади ва табиийки, бу ҳол Россиянинг бошқа давлатлар билан, аввало МДҲ давлатлари билан ўзаро муносабатларига путур етказади. Комил ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон ҳеч қачон орқага қайтмайди. Менинг қатъий фикрим шу.

***Х.Убайдуллаев, Би-Би-Си мухбири: Президент жаноблари, агар янглишмасам, ўтган йилнинг охирида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган бир мажлисда, сиз Ўзбекистон матбуотини аямасдан танқид қилдингиз. Мана, орадан анча вақт ўтди. Ўзбекистон матбуоти ва телевидениесига бугун сиз қандай баҳо берган бўлардингиз?***

И.КАРИМОВ: Жуда яхши савол бердингиз. Матбуот ва ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этиш ҳуқуқий давлат оёққа туришининг муҳим шартларидан бири эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Модомики, Ўзбекистон эркин, очиқ ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу шартларни сўзсиз бажариши керак. Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари ҳам айнан мазкур мезонлардан келиб чиқиб яратилди.

Афсуски, мен буни ошкора тан олмоқчиман, республика тизимларининг нафақат ўрта, юқори раҳбарлик бўғинларида буни ҳали ҳам тўла тушуниб етмаган кишилар бор. Ўтмишнинг қотиб қолган андозалари таъсиридан қутулиш жуда қийин кечаётир. Вазиятни фармон ёки қарор қабул қилиш билан тузатиб бўлмайди. Одамларнинг, айниқса, раҳбарларнинг дунёқарашини ўзгартириш керак. Бу - ўта муҳим масала.

Газеталаримиз саҳифаларида, радио ва телевидениеда танқид пайдо бўлса, негадир уни мамлакатимизда ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар мавжудлигининг аломати, деб тушуниш расм бўлган. Россия журналистлари билан мулоқотимда мен танқидий руҳ барча ривожланган давлатлар матбуоти, радио ва телевидениеси учун хослигини, пировардида бу услуб олға силжиш, эришилган ютуқлардан эсанкираб қолмасликнинг таъсирчан, изчил омили эканлигини такидлаган эдим. Ҳар бир инсон, хусусан раҳбар ўз камчиликларини кўриб туриши, бу қусурлардан тезроқ қутулишга ва ўз қобиғига ўралиб қолмасликка ҳаракат қилиши керак. Бу коррупцияга ва қонунбузарликка қарши курашнинг энг муҳим шартидир.

Туман, шаҳар, вилоят хокими ёки бирор-бир вазир газетада танқид қилинса, осмон узилиб ерга тушгандай бўлади. Албатта, танқид холис бўлиши, кишилар шахсиятига иззат-нафсига тегмаслиги керак.

Лекин танқиднинг бўлиши шубҳасиз. Бусиз ҳаётимизни, тараққиётимизни тасаввур этиш қийин.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу журналистларнинг савияси билан боғлиқ. Хўш, журналистларимизнинг ўзлари шу вазифани адо этишга, холис ёндошувга тайёрмилар? Афсуски, ўз фаолиятини мазкур мезонлар билан ўлчайдиган, мулоҳаза юритадиган мухбирлар ҳали жуда кам.

Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури, Европа мамлакатлари ва АҚШ билан ҳамкорлик тизими бўйича Ўзбекистонда ўтказилаётган турли тадбирларни мен чин юракдан қутлайман, қўллаб-қувватлайман, улар ҳамкасбларига касбий маҳорат сирларини эгаллашда яқиндан ёрдам беришяпти. Би-Би-Си мониторинг ваколатхонасининг Ўзбекистонда олиб бораётган ишлари диққатга сазовор. Мамлакатимизда куни-кеча "Озодлик" радиостанциясининг ваколатхонаси ҳам иш бошлади. Ўзбекистонда Си-Эн-Эн ва жаҳоннинг бошқа етакчи телевидение ва радиостанциялари ҳам ўз ваколатхоналарини очишса, журналистларимиз Ғарб матбуоти вакиллари билан бақамти ҳамкорлик қилиб, газеталарнинг қўшма сонларини чоп этишса, мен жуда мамнун бўлардим. Етакчи газеталаримиз хорижий тилда илова ёки махсус сонлар тайёрлашса, кейин ўзбек тилига ўгирилса ёки аксинча, ўзбек тилидан бошқа тилга таржима қилинса, бунинг нимаси ёмон?!

Яна такрорлайман: мақола ва газета сонларини тайёрлашда катта тажрибага эга бўлган хорижий журналистларнинг мухбирларимиз билан ҳамкорлик қилиши жуда муҳим. Ҳамкорликнинг мазкур янги тармоғи сир-синоатларини эгаллашда бизга яқиндан ёрдам берган бўлардингиз.

Биз дунёга юз очдик деганда, қилишимиз керак бўлган ишларнинг нари борса ярмини тасаввур этамиз, холос. Ваҳоланки, биз бизнесменларга, молия, тижорат тизимларига хорижий компанияларга эмас, аввало Ғарб матбуотига юз буришимиз, чет эллик мухбирлар ва Ғарб оммавий ахборот воситалари вакилларига газеталаримиз саҳифаларидан кенг ўрин беришимиз керак.

Хуллас, қисқача қилиб айтганда, ахборот воситаларининг бугунги аҳволи мени қониқтирмайди.

***Т.Қоратоев, Ўзбекистон телевидениеси мухбири: Муҳтарам Президент, собиқ Иттифоқни тиклашга доир масалага сиз аниқ, қатъий фикрингизни айтдингиз. Бошқа мамлакатлар, дейлик МДҲга аъзо Тожикистон, Туркманистон, Грузия, Арманистоннинг мазкур масалага муносабатлари сизга маълумми? Уларнинг Тўртлар шартномасига қўшилиш эҳтимоли борми?***

И.КАРИМОВ: Бир эмас бир неча марта айтдим: мазкур шартномага қўшилиш ёки бошқа шартномаларга имзо чекиш алоҳида олганда ҳар бир давлатнинг ички иши.

Мен ўз маъруза ва суҳбатларимда бир неча марта такрорлаганманки, бошқа мамлакатлар бу шартномага қўшиладими ёки қўшилмайдими, шартномани имзолайдими-йўқми — бу ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқи ва ички ишидир. Ҳар бир мустақил давлат бугун ўз тақдирини ўзи ҳал қилмоқда ва халқи олдида ҳам ўзи жавоб беради. Шартномага ким қандай қараётганини менинг чиқишларимдан эмас, матбуотдан ўқиб, коса тагида ним коса борлигини мулоҳаза қилиш керак.

***Р.Тэлль, "Рабочая трибуна" газетаси мухбири: Ўзбекистоннинг МДҲ доирасига кирмайдиган бирон-бир битимда қатнашишини қатъий рад этадиган қандайдир бирорта бошқа таклифи борми? Агар бўлса, бу таклифни сиз МДҲ давлатлари раҳбарларининг Москвада бўладиган учрашувида ўртага қўясизми?***

И.КАРИМОВ: Мен ўзимнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларимда собиқ Иттифоқ ҳудудида бўладиган ҳар қандай интеграцияга қўшилишимизнинг бешта шартини айтиб ўтган эдим. Буларни яна такрорлаб ўтаман.

**Биринчидан:** бу ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилик, мустақилликни сақлаб қолиш.

**Иккинчидан:** интеграцияга қўшилаётган ҳар бир давлат бир хилдаги қонуний базага, бир хилдаги ислоҳотлар йўналишига эга бўлиши лозим.

**Учинчидан:** интеграцияга қўшилаётган давлатлар ўз режаларини бировлар ҳисобига тузмаслиги, яъни боқимандаликка йўл қўймаслиги керак.

**Тўртинчидан:** интеграция жараёнларини сунъий тарзда тезлатиш керак эмас. Интеграция бу - ўта жиддий ва узоқ давом этадиган жараёндир. Уни амалга ошириш учун аниқ шарт-шароитлар яратилмоғи лозим.

Бу жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш жуда хавфли. Ва сўнгги - **бешинчи шарт,** интеграцион жараёнларга мафкуравий тус бермасликдир. Аравани отдан олдин қўйиб бўлмайди.

Давлатлараро тизимлар тузиш, шундан кейин иқтисодий масалаларни, иқтисодий интеграцияни ҳал этиш биз учун мутлақо номақбулдир.

Иқтисодий вазият, ягона иқтисодий ҳудуд табиий суратда етилиши ва амал қилиши керак. Шундан кейингина интеграциянинг бошқа шакллари, жумладан, сиёсий интеграция пайдо бўлишига майдон яралади.

Энди менинг ҳам сизларга бир савол беришимга ижозат этсангизлар: **интеграциябозлик хуружи қаердан келиб чиқди ўзи? Бу сўзсиз амалга оширилиши зарур бўлган мақсадми?** Негадир бирор мамлакат интеграцияга қўшилмаса, эртагаёқ ҳалокатга учрайди, деган башоратларнинг замирида нима бор?

**Интеграция ғоясини чайқовга солмаслик керак.** Интеграция ва кооперация тараққиётга, иқтисодий юксалишга хизмат қилмоғи, иқтисодий ўсиш ва юксалиш йўлида ўртадан тўсиқларни кўтармоғи лозим.

Бунинг учун ҳар бир давлат аввало ўз кучига таяниб нимадир қилиши лозим. Ислоҳотларни ўтказиш баробарида қонуний ва ҳуқуқий асослар яратиш, одамларни ўқитиш, фойданилмаётган имкониятларни ишга солиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестицияларни топиш ва жалб этиш, янги иш жойлари яратишни ўрганиш зарур. Бу — олға боришимизнинг бош шартларидан бири. Биз Ўзбекистонда ўз келажагимизни шундай тасаввур этамиз. Шу ва фақат шу асосда интеграция имкониятларидан фойдаланиш, оқилона кооперация йўлидаги турли тўсиқларни олиб ташлаш лозим бўлади. МДҲ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг ўзи интеграция учун етарли даражада асос яратади. Биз эса бошланган ишни охирига етказмай, қабул қилинган қарорларни амалга оширмасданоқ улардан юз ўгирамиз ва яна янгидан-янги иттифоқлар тузмоқчи бўламиз. Бу қандайдир интеграция ўйинига, ўйин бўлганда ҳам сўнгсиз ўйинга айланиб қолмоқда. Яқинда мен оддий бир одамдан бу жараёнлар ҳақида ғалати бир таърифни эшитдим. Унинг айтишича, беш йил ағдар-тўнтар қилишди, энди яна беш йил қайтадан тиклашади. Халқ эса кутиб тураверади. Бу - одамларни кундалик муаммолардан чалғитишга, моҳиятан камчиликлар учун масъулиятдан қочишга қаратилган хатти-ҳаракатдан ўзга нарса эмас. Бу - оддий одамнинг фикри.

***Ю.Черногаев, "Постфактум" ахборот агентлиги: Ижозатингиз билан бир вазиятни аниқлаштириш учун шундай савол бермоқчи эдим. Бу бизнинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан чегараларимиздаги ўта либерал божхона тартиби билан боғлиқдир. Бу икки мамлакат Тўртлар битимини имзолагани сабабли божхона тартибида ўзгаришлар бўладими? Сиз ушбу ҳужжатларни имзолашимиз учун Ўзбекистон аллақандай бир тазйиқни сезиб турибди, деб айтдингиз. Бундай тазйиқ қай шаклда амалга оширилмоқда?***

И.КАРИМОВ: Бизнинг тарафимиздан мол айрибошлашни чегараловчи, одамларнинг ўзаро муносабатларини чекловчи, умуман бу икки мамлакат билан мавжуд ҳамкорликни чекловчи бирон - бир қўшимча тадбир амалга оширилмайди. Мен буни қатъий айтаётирман. Биз бу ҳолга йўл қўймаймиз ҳам.

Иккинчи саволингизга келсак, айтишим керакки, мен бизга тазйиқ кўрсатиляпти деганим йўқ, сўзма-сўз айтганда, бизни астойдил таклиф қилмоқдалар, дедим. Кўриб турибсизки, бунда фарқ бор. Мен сизларни бу масалаларга жиддий ёндашишга даъват этаман.

Агар кескинроқ гапирган бўлсам, шу боисданким, мен собиқ Иттифоқ у ёки бу шаклда қайта тикланиши эҳтимоли ҳақида эшитишни қатъиян истамайман. Мен бу Иттифоқни ичичидан яхши биламан.

Унинг барча иллатлари ва Ўзбекистон халқи учун номақбуллигини яхши биламан.

Афсуски, инсоннинг хотираси унутиш касалига гирифтордир. Аммо мен 83-йилдан то 89-йилгача бўлган яқин тарихимизни, бизнинг бошимиз узра, ўзбеклар ва Ўзбекистон узра қандай бебошликлар - қонунга хилоф ишлар амалга оширилган даврни асло унута олмайман. Ўша манзаралар ҳали-ҳамон кўз ўнгимда турибди. Улар хусусида юрагим тўлиб, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан гапиролмайман. Ўзбекистонда қандай мудҳиш ишлар қилинган бўлса, ҳаммаси КПСС МК ва Сиёсий Бюросининг хоҳиш-иродаси билан содир этилган.

Биздан сўрамай-нетмай, розилигимизни олмай яна орқага қайтайлик, яна бирга яшайлик, деб турадиган Е.Лигачёвга ўхшаш кимсалар пайдо бўлгандан кейин, мен ҳаяжонимни босиб гапиролмайман. Ёки Лукьяновни олайлик... Қирғизистон билан чегарада, Ўшда фожеалар юз бериб турганда, мен унга Тошкентдан туриб уч марта қўнғироқ қилдим. Горбачев ҳақида, шахсан ўзим гаплашган бошқа "арбоблар" ҳақида гапириб ўтирмайман.

Мен уларга шахсан мурожаат қилиб, одамлар ўлмоқда, тўкилаётган қон эрта-индин бутун Ўрта Осиёни хонавайрон этади, деб худонинг зорини қилдим, ёрдам беринглар, деб қанчалар ёлвордим. Қанақа жавоб олдик бу мурожаатларга? Фақат ўзимиз - ўзбеклар ва қирғизлар бу муаммони ҳал қилдик. Фақат ақл-идрок, фақат ақл-фаросат, одамларимизнинг яхши ният ва олижаноблиги ўша даҳшатли фалокатнинг олдини тўсди. Шу боис айтмоқчиман, менинг яккаю ягона хоҳишим - Ўзбекистонга ҳеч ким халақит бермасин! Ўз келажагини ўз қўллари билан барпо этаётган бошқа республикаларга ҳам халақит берилмасин!

# ЧИГИТ ЭКИШ НЕГА КЕЧИКАЯПТИ?

***Гулистонда вилоятда чигит экишнинг аҳволи ва уни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, деҳқончилик-саноат мажмуининг тегишли ташкилотлари вакиллари ва мутахассислар қатнашди.***

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков бошқарди.

Сўзга чиққанлар бу йил Сирдарё вилоятида 141 минг гектар майдонга барака уруғи қадаш режаллаштирилгани, чигит экиш муддати ўтиб бораётган бўлса-да, бир қанча туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарлари бу борада сусткашликка йўл қўяётганини таъкидладилар. Вилоятда чигит экиш эндигина 12 фоизга етган. Сайхунобод, Гулистон, Оқолтин, Ш.Рашидов туманларида бу иш, айниқса, оқсамоқда. Шўр ювиш баҳонасида ерларни экишга тайёрлаш кечиктирилган. Вилоятда экиш техникасидан унумли фойдаланилмаяпти. Мавжуд 1350 тракторнинг 950 тасигина далага чиқмоқда. Уларнинг ҳам иш унумини юқори деб, бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси вилоят, туман ва хўжаликлар раҳбарларининг мавжуд барча имкониятларни тўлиқ ишга сололмаётгани оқибатидир.

Йиғилишда бу камчиликларга тезда барҳам бериш, чигит экишни жадаллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Р.Гиниятуллин, қишлоқ хўжалиги вазири М.Жуманиёзов, вилоят ҳокими Ғ.Ҳасанов қатнашди.

**(ЎзА).**

# РЕСПУБЛИКА ТАДБИРКОРЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ

***16 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг таъсис қурултойи бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, мамлакатимиз вилоятлари, туманлари, шаҳарлари савдо ва саноат доираларининг вакиллари иштирок этди.***

Қурултой арафасида бўлиб ўтган таъсис конференциясида палата раислигига сайланган А. Йўлдошев палатани ташкил қилишдан кўзда тутилган мақсадлар ва унинг вазифалари хусусида гапирди. У республикада ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида тадбиркорликнинг, омилкор кишилар фаоллигининг аҳамияти ортишини, кўп нарса уларнинг халқ турмушини яхшилашга, бозорни моллар ва хизматлар билан тўлдиришга, янги иш жойларини барпо этишга қаратилган ҳаракатларига, куч-ғайратларига боғлиқ эканини таъкидлади.

Палата Низоми муҳокама қилиниб, қурултой делегатларининг мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди. Низомга мувофиқ палата ўзининг ҳудудий бўлинмаларини, уюшмалар ва иттифоқларни бирлаштиради ҳамда давлат ҳокимияти органларида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Бозор инфраструктурасини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастурини амалга оширишда иштирок этиш, омилкор кишиларнинг ижтимоий манфаатларини муҳофаза қилиш палата фаолиятининг устивор вазифаларидандир.

Қурултойда палатанинг раҳбар органлари, унинг кенгаши ва тафтиш комиссияси сайланди.

Қурултойда Бош вазир ўринбосари, республика давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг раиси В.Чжен нутқ сўзлади.

**(ЎзА).**

**(Қурултой ҳақидаги материалларни газетанинг 2-бетида ўқийсиз).**

# ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

***Маълумки, Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Жумладан, халқаро майдонда парламент йўли билан ҳам давлатимиз манфаатлари фаол ифода қилинмоқда.***

15 апрель куни Олий Мажлис Раиси ўринбосари А. Қосимов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси Парламентлараро Иттифоқнинг 95-конференцияси ишида иштирок этиш учун Туркияга жўнаб кетди.

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 16 апрелда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 36,92 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати * 36,80 сўм даражасида қайд этилди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 17 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 28,96 | 1 Норвегия кронаси | 5,65 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,47 | 1 Польша злотийси | 14,01 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 55,56 | 10 Португалия эскудоси | 2,37 |
| 10 Бельгия франки | 11,87 | 1 Сингапур доллари | 26,09 |
| 1 Голландия гульдени | 21,83 | 1000 Туркия лираси | 0,50 |
| 10 Греция драхми | 1,51 | 1 Финляндия маркаси | 7,79 |
| 1 Дания кронаси | 6,32 | 1 Франция франки | 7,18 |
| 1 БАА дирхами | 10,02 | 1 Швеция кронаси | 5,46 |
| 1 АҚШ доллари | 36,80 | 1 Швейцария франки | 29,92 |
| 1 Миср фунти | 10,82 | 1 ЭКЮ | 45,62 |
| 1 Ирландия фунти | 57,34 | 10 Жанубий Корея вони | 0,47 |
| 1 Исландия кронаси | 0,55 | 10 Япония иенаси | 3,40 |
| 10 Испания песети | 2,92 | 1000 Россия рубли | 7,51 |
| 100 Италия лираси | 2,34 | 1000 Украина карбованеци | 0,19 |
| 1 Канада доллари | 27,14 | 1000 Беларусь рубли | 3,04 |
| 10 Хитой юани | 0,44 | 1 Эстония кронаси | 3,06 |
| 1 Қувайт динори | 122,58 | 1 Латвия лати | 66,67 |
| 100 Ливан фунти | 2,33 | 1 Литва лити | 9,20 |
| 1 Малайзия ринггити | 14,70 | 1 Қозоғистон тенгеси | 0,56 |
| 1 Германия маркаси | 24,40 | | |

*) * Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.



## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

***Умумий стажим 36 йил, шундан 22 йили ўқитувчи бўлиб ишлаганман, 4 йил стажим ўқиган давр, 6 йил болаларимни парваришлаган вақт, 4 йил кутубхоначи бўлиб ишлаганман. Имтиёзли пенсияга 50 ёшдан чиқишим мумкинми?***

**Е. ЕРНЕФЕСОВ,**
**Қорақалпоғистон.**

Ҳа, мумкин, чунки ўқитувчилик ва кутубхоначилик касблари 3-рўйхатнинг «к» бандида 25 йиллик махсус стаж билан, яъни шу кўрсатилган касб лавозимларда ишлаган бўлсалар, имтиёзли пенсияга ҳақлари бор.

* * *

***Мен ҳар йили пилла қурти боқаман. Пилла қурти боққан давр иш стажига қўшиладими?***

**М. ФАХРИДДИНОВА,**
**Наманган вилояти.**

Пилла етиштириш учун тўланган иш ҳақларингиздан суғурта бадаллари олинган бўлса, пиллага қараган вақтингиз пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

* * *

***Ходимлар сони қисқартирилиши ёки корхона, ташкилот ва муассасалар тугатилиши муносабати билан бўшатилган ва ишсиз мақомига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин пенсия тайинлашни қандай тушуниш мумкин?***

**Р. ТОЖИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

Буни қуйидаги мисол билан тушунтирамиз. Масалан, 58 ёшга кирган ва 25 йиллик иш стажига эга бўлган эркак ёки 53 ёшга тўлган 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёл ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилгандан сўнг, унга белгиланган тартибда ишсизлик мақоми берилса, бундай фуқароларга қонунда кўзда тутилган ёшларидан 2 йил аввал, яъни муддатидан илгари пенсия тайинлаш мумкин.

* * *

***Иш стажининг барчаси фақат гувоҳлик кўрсатмасига асосан тасдиқланган бўлса, пенсия тайинлаш мумкинми?***

**Т. ФАРМОНОВА,**
**Навоий вилояти.**

Ҳа, мумкин.

* * *

***Аёлнинг эгизак болаларини парвариш қилган вақтини 6 йил деб ҳисоблаб, стажга қўшиш мумкинми?***

**Ф. ТУРСУНҚУЛОВА,**
**Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани.**

Йўқ. Эгизак фарзандларни парвариш қилган вақти фақат 3 йил ҳисобида иш стажига қўшилиши мумкин.

---

*• Макроиқтисодиёт*

# МУЛКДОР ВА БАНК

***Маълумки, бугунги кунда банклар иштирокисиз мамлакат иқтисодиётининг гуллаб-яшнашини тасаввур этиш қийин. Чунки улар иқтисодиётнинг ички тизимини ривожлантириш ва макроиқтисодий сиёсатни бошқаришда муҳим ўрин тутади.***

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Тадбиркор» акционерлик-тижорат банки ана шундай муассасалар сирасига киради. Унинг асосий вазифаси — макроиқтисодий сиёсатни, яъни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжаликлари, қайта ишлаш тармоқлари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлашдан иборат. «Ўзтадбиркорбанк» уч йил мобайнида шу мақсадда тадбиркорларга 1 млрд. 895 млн. сўмдан зиёдроқ кредит ажратди. Шундан 1 млрд. 17 млн. сўми ўтган йил ҳисобига тўғри келди.

Айни пайтда жойларда мазкур банкнинг 154 та бўлими 52,3 мингдан кўпроқ мижозга, шу жумладан, 18 минг деҳқон (фермер) хўжалигига хизмат кўрсатмоқда. Уларга қисқа вақт ичида 231.9 млн. сўмлик кредит берилди. Ҳозир ушбу хўжаликлар ихтиёрида 210 минг гектардан зиёд ер, 169 минг бош қорамол, 125,6 минг бош қўй бор. Бултур 64,6 минг тоннадан кўпроқ пахта, 50 минг тоннадан зиёд дон, 47,1 минг тонна полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, 16,5 минг тонна гўшт, 48,6 минг тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Шунингдек, банк ажратган кредитлар ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Масалан, Фарғона вилоятида бултур 16,7 млн. сўмликдан шундай моллари ишлаб чиқарилган бўлса, 17,7 млн. сўмлик қишлоқ маҳсулотлари қайта ишланди.

Умуман олганда, банк хизматидан фойдаланаётган мижозлар 1995 йилда турли хил хизматлар кўрсатиш тармоқларидан жами 4.343 млн. сўмлик соф даромад олишди. Бундан ташқари, улар томонидан 420 минг сўмлик бинокорлик материаллари, жумладан, 41,4 млн. дона ғишт, 18,7 минг куб метр бетон конструкциялар ва 95,3 млн. сўмлик тақчил қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Айниқса, Бухоро шаҳридаги «Фаррух-Н» хусусий корхонаси 416,8 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, 51 минг сўм соф фойда олишга эришди. Енгил саноат соҳасида эса 1,6 млн. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Наманган вилояти Поп туманидаги «Т. С. Б-Поп» ўзбек-турк қўшма корхонаси асосан катта ёшдагилар учун трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослатирилган бўлиб, у ўтган йили 34 млн. сўмлик эркаклар кўйлаги ва 267,6 минг сўмлик аёллар халати тайёрлаб сотди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 30 октябрдаги қарорига асосан, жойлардаги банк бўлимлари дебитор ва кредитор қарзларни қисқартириш ҳамда йўқлама қилиш борасида ҳам бирмунча мақсадли ишларни олиб бормоқда. Солиқ ҳамда молия бошқармалари билан биргаликда ўтказилган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, 1996 йил январигача бўлган дебитор қарз ўтган йилнинг октябрь ҳолатига нисбатан Андижон вилоятида 6,7 млн. сўмга, Бухоро вилоятида 21,7, Наманган вилоятида 1,7, Тошкент вилоятида 2,7, Хоразм вилоятида 1,2 млн. сўмга, «Ўзтадбиркорбанк»нинг амалиёт бошқармаси бўйича эса 131 минг сўмга камайтирилди. Айни чоғда банк хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг экспорт-импорт шартномалари бўйича дебитор қарздорлиги 435 млн. сўмдан ошиб кетди. Унинг 216 млн. сўми ёки ярмиси Тошкент вилоят филиалига, 48 млн. сўми Фарғона ва 22 млн. сўми Сурхондарё филиалларига тўғри келади. Масалан, Бухоро вилоятидаги «Шарқ-94» кичик корхонаси ўтган йилнинг май ойида Россия Федерациясига 4,8 млн. сўмлик, Фарғона вилоятидаги «Омад» фирмаси Қозоғистонга 2 млн. сўмлик маҳсулот жўнатганига қарамасдан, бунинг эвазига на валюта тушди, на муқобил маҳсулот олинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, узоқ муддатли қарзини тўламаган 1386 мижоздан 186 таси маҳаллий матбуот орқали тўлов қобилиятини йўқотган, деб эълон қилинди, 741 таси огоҳлантирилди, 103 та мижозга оид ҳужжатлар халқ судларига ва 373 тадбиркорга оид ҳужжатлар эса прокуратура органларига топширилди. Натижада 155 та мижоздан 60,8 млн. сўмдан кўпроқ пул ундириб олинди. Аммо шунга қарамасдан, шу йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, муддати ўтказилган қарзлар 622,9 млн. сўм, банк кредитлари бўйича 274,3 млн. сўм, фоизлар бўйича 348,6 млн. сўмни ташкил этди. Бунга сабаб деҳқон (фермер) хўжаликларининг тўлов қобилиятига эга эмаслигидир. Шу сабабли «Тадбиркор» банки улар учун бериладиган кредитларнинг фоиз миқдорини 50 фоиздан ошмаслигини белгилаб қўйди.

— Хорижий мамлакатлар билан алоқани йўлга қўйиш мақсадида ўтган йили чет эл инвестициялари ва қимматли қоғозлар бошқармасини ташкил этган эдик, — дейди банк бошқаруви раиси М. Аҳмедов. — Натижада Россия, Украина, Белорусь, Қозоғистон, Болтиқбўйи мамлакатларининг бир қатор йирик банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатишга эришдик. Жумладан, бугунги кунда банкда 10 та «ностро» ва 15 та «лоро» ҳисоб варақлари ишлаб турибди.

1995 йилнинг июлидан бошлаб эса банкимиз Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондининг Ўзбекистондаги вакили сифатида фаолият кўрсатмоқда. Хорижий инвестициялар бошқармаси мазкур фонд билан биргаликда 7 та истиқболли лойиҳага 564 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Масалан, кредит шартномасига биноан, флаконларга дори қуядиган учта ярим автомат сотиб олиш учун Тошкентдаги «Ойна» хусусий фирмасига 170 минг АҚШ доллари берилди. Бу линиянинг ишга туширилиши фармацевтика заводи ва парфюмерия фабрикаларининг тақчил шиша идишларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради.

Қимматли қоғозлар орқали аҳолининг эркин маблағини жалб этиш ва жамлаш мақсадида эса 100 ва 10 минг сўм-купонлик акциялар бекор қилиниб, номинал қиймати 100 сўмлик бўлган оддий ва имтиёзли акциялар чиқарилди. Ҳозирги пайтда унинг биржадаги нархи 160 сўмни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июлидаги қарорига кўра, банкда ахборот тармоғини вужудга келтириш ва банклараро электрон тўлов тизимига ўтиш учун 885 та компьютер, 17 та катта, 13 та ўртача ва 180 та кичик сервер сотиб олинди. Яқин ойларда эса банкимизнинг халқаро SWIFT ва республика банк тармоқларига чиқишини таъминлаш йўлга қўйилади.

Мамлакатимиз Президенти шу йил 29 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида «Бугунги кунда бизнинг энг оқсоқ жойимиз кадрлар тайёрлаш масаласи. Аниқ айтиш мумкинки, ҳар бир участкада, ҳар бир бошқарув бўғинида ўз касбининг устаси бўлган ғайратли кишилар турганида талай муаммолар аллақачон ҳал бўлиб кетарди», деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу масалада бизнинг вилоят филиалларимиз ва туман бўлимларимиз ишида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Бу, албатта, жойлардаги ходимларимизнинг ўз устларида етарли даражада ишламаётганлигидан далолатдир. Шу боис ўтган йилнинг ўзида банкнинг туман бўлимлари бошлиқларидан 7 киши, бош бухгалтерларидан 5 киши ишдан четлаштирилди. Ходимлар ўртасида аттестация ўтказилганда эса 35 киши ўз ишига нолойиқ деб топилди.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг банк ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича шарҳловчиси.**

---

## ОЛАМДА НИМА ГАП? NEWS

### МАМЛАКАТ САЙЛОВЛАРИ ТАРИХИДА ЭНГ ПАСТ КЎРСАТКИЧ

***Корея Республикасида бўлиб ўтган парламент сайловида Янги Корея партияси (ЯКП) ғалаба қозонди.***

Сайлов натижаларига кўра, янги сайланган парламентдан ЯКП 139 та ўрин эгаллаган, энг йирик мухолиф партия — Янги сиёсат учун миллий конгресси эса 79 ўринга эга бўлди.

Маълумотларга кўра, сайловда аҳолининг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 63,9 фоизигина иштирок этган. Бундай паст кўрсаткич Жанубий Корея сайловлари тарихида биринчи марта рўй берди.



*Индонезия шоликорлари.*

### БИТИМГА ТЎЛА РИОЯ ҚИЛАЁТГАНИ БОИС...

***Норвегия Европада биринчилар қатори иттифоқдош Югославия Республикаси билан дипломатия алоқаларини ўрнатди.***

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўтган йили Югославияга нисбатан жорий этилган халқаро иқтисодий жазо чораларини бекор қилгандан кейин хорижий давлатлар эндиликда мазкур мамлакат билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга киришди.

Норвегия ташқи ишлар вазири Бьерн Туре Гудалнинг баёнот беришича, Югославия Босния ва Герцеговинада тинчлик ўрнатиш бўйича имзоланган битимга тўла риоя қилаётгани боис Норвегия ушбу мамлакат билан дипломатия алоқаларини ўрнатишга қарор қилган.

### КРЕДИТ БЕРИЛАДИ. БИРОҚ ШАРТ ШУКИ...

***Чехия Республикаси ҳукумати Литвага 5 йилдан 8 йилгача тўлаш мажбурияти билан 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит беришга қарор қилди.***

Лекин шундай шарт биланки, бу маблағга фақат Чехия маҳсулотлари сотиб олиниши лозим.

Чехия Бош вазири Вацлав Клаус журналистлар билан учрашувда Литва Чехия машинасозлик корхоналари маҳсулотига қизиқаётганлигини маълум қилди. Унинг фикрича, кредитнинг 6 миллион доллари Вильнюс ва Каунас шаҳарлари учун «Шкода» русумли троллейбуслар сотиб олишга ажратилади.

---

*• Бугуннинг гапи*

# КАРВОН ЎТАВЕРАДИ...

***Президентимиз Ислом Каримов хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, чет эл ҳамда республикамиз журналистлари билан навбатдаги анъанавий учрашувида Россия Давлат Думасининг 15 март қарорига яна бир бор ўз муносабатини билдириб, Ўзбекистон ўзи танлаган истиқлол йўлидан оғишмай, дадил бораверишини алоҳида таъкидлади.***

Ғарб давлатлари Россияда «коммунизм шарпаси» оралаб қолганлиги сабабли кўпроқ ўзларининг хавфсизлигини ўйлай бошладилар. Бу борада Ғарб сиёсатчилари катта маҳорат ва тажрибага эгадир. Чунки 1949 йилнинг 4 апрелида ташкил қилинган Шимолий Атлантика ҳарбий иттифоқининг (НАТО) бош мақсади ушбу сиёсий блокка аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий ва ҳудудий хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Россиядаги империявий қарашларини илгари сураётган коммунистлар, либерал-демократлар ва бошқа оқимларнинг жонланиб қолганлиги Шарқий Европа халқларини, шунингдек, Болтиқбўйи республикаларини ҳам жиддий ташвишлантира бошлади.

Россия коммунистлари ва либерал-демократлари асосий масалада бирлаша бошладилар. У ҳам бўлса Россияга бўйсундирилган улкан сарҳадларни қайтадан тиклаш ғоясидир. Бу борада ҳозир номи тез-тез зикр этилаётган кучлар, «улуғ салтанат»ни тиклашда бирга ҳаракат қилиб, «шовинист-муҳандис» ролини бажармоқда. Уларнинг чиройли иборалар билан ниқобланган ваъдаларига мамлакатдаги фахрийлар (шу жумладан, сталинчилар), аламзада ҳарбийлар, дунё бўйича Россиянинг энг кўп ичувчи мамлакат даражасига чиқиш учун «ҳисса қўшган» ароқхўрлар ва бундан ташқари, армиядаги енгилликлар ҳақидаги ёлғон дастурларга монандлик билдираётган рус ёшлари ишонмоқда. Шунингдек, бу гуруҳга большевизмнинг узоқ йиллар олиб борган мафкураси меваси бўлмиш турли миллат вакилларидан иборат манқуртларни ҳам киритиш ўринлидир.

Собиқ Иттифоқнинг шармандали қисматида жаноб Лукьяновнинг анча-мунча «хизмати» борлигини яхши биласиз. Энди эса бу жаноб «ўз айбини тузатиш» мақсадида «Обновлённый Союз» («Янгиланган Иттифоқ»)ни барпо этиш керак демоқда. Шу боис Президентимиз мазкур учрашувда Лукьянов, Лигачёв каби ўтмиш мафкурачиларнинг ҳатти-ҳаракатлари хусусида тўхталиб, «...бу хавфли ўйинлар Россияни қаёққа бошлаб кетаркан, деган ўй кишини ташвишлантиради», — деб таъкидладилар.

Келинг, шу ерда айрим тарихий воқеаларни эсга олайлик. 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг большевиклар Туркистон халқларининг талабини қондириб, мухторият тузишга рухсат берди. Аммо тез орада бу мухторият чуқур маънодаги озодлик, мустақиллик ҳаракати билан боғлиқ эканлигини билган «содиқ-ленинчилар» 1918 йил Қўқон мухториятини қонга ботирди. Яна бир мисол: яқин совет замонларида М. Фрунзе номи бизда ҳам «абадийлаштирилган» эди. Ана шу «сиёсий арбоб» Бухоро амири билан битим тузиб, кейин битим шартларини бузди, қадимий Бухорони нафақат тўплар зарбасига учратди, балки аэропландан бомбардимон қилдириб, бегуноҳ одамларни нобуд этди, минг-минг йиллик тарихнинг гувоҳи бўлган ёдгорликларни яксон қилди.

Ўтмишини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди, деган жуда ўринли нақл бор. Россияда бир тўда оқимлар янги империяни тузиш учун ҳаракатга тушган шу кунларда биз ҳам ўз тарихимизни сира ёддан чиқармаслигимиз керак. Ахир, 20-йиллардаги табақаларга ажратиш сиёсати, минглаб ўзбекларнинг Сибирь ва Украинага қулоқ қилиниши, 30—50 йиллардаги қатағонлар, яқин-яқин йилларда пайдо бўлган қора булут, яъни «ўзбеклар иши» ва «пахта иши»ни унутиб бўладими? Совет замонларида пахта мустақиллиги учун олиб борилган сиёсат оқибатида Орол денгизи ҳалокатга учради. Бу етмаганидек «пахта иши», «ўзбеклар иши» туфайли ҳалол, меҳнаткаш халқимизга оммавий туҳмат ёғдирилди. Президентимиз ана шу ҳақиқатни яна бир бор такрорлаб, дипломатия корпуси ва журналистлар билан бўлган учрашувда шундай деган эди: «Ўзбекистон жамоатчилиги ўзининг энг яқин тарихидаги Горбачев—Лигачев командаси халқни жиловда тутиб туриш, унинг ўсиб келаётган миллий ва сиёсий онгини бўғиш ниятида «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб аталмиш туҳматларни тўқиб чиқарган, биз ўзбекларга турли-туман тамғалар ёпиштирилган фожеали саҳифаларни ҳеч қачон унутмаймиз».

Шу ерда яна бир муҳим ҳолатни айтиб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда коммунистпараст кучлар аллақачон умрини яшаб бўлиб, ҳалокатга учраган собиқ Иттифоқнинг тобути тепасида кўз ёши қилмоқда. Ҳар замонда империялар тарихи ва қисмати шундай тугаган. СССР қулашининг бош сабаби — унинг империя моҳиятида эканлигидир ва бу империя озод халқларнинг қони эвазига барпо бўлганлигини ҳеч эсдан чиқармаслик керак. Инсоният тарихида юз йил, беш юз йил ва ҳатто минг йил ҳукм сурган салтанатлар (цинлар сулоласи, мўғул-татарлар босқини, Усмонийлар империяси ва бошқалар) ҳалокатга учрагач, ҳеч қачон тикланмаган. Шундай экан, бошидан охиригача зўравонликка, маъмурий буйруқбозликка, миллий байналминаллик деб, миллий тенгсизликка, оддийроқ қилиб айтганда, казарма социализмига асосланган қаттол ва манфур тузумни, империяни тиклаб бўладими? Бу тузум 1400 йилдан кўпроқ яшаб келаётган муқаддас Ислом динини йўқ қилмоқчи эди, ўзи шарманда бўлди. Ана шулардан хулоса қилиб, биздан талаб қилинаётган нарса ўта хушёрлик, сергак бўлиш ва сира бекарор ҳолга тушмасликдир.

Афсуски, ҳозир ҳам орамизда айрим кимсалар (асосан катта ёшдагилар) эски замонни тез-тез қўмсайдилар. Мен уларга оддийлик ва самимийлик билан, «Сибирга бормоқчимисиз, иттифоққа қўшилинг!» дейман. Лекин мен шу инсонлар бир умр сассиқ кўлмакда хор-зор бўлиб яшаган тилла балиқ эканликларини ҳануз (ахир 5 йил кўзни очиш учун етарли эмасми?) англаб етмаганликларидан жуда ачинаман. Бу кимсалар ўйламай-нетмай «коммунизм ўтиб кетибди», дейди. Бироқ устамон коммунистлар бир пайтлар уларни роса лақиллатганини, жаннатга бориш йўлини дўзах эшиги орқали кўрсатганлигини англамоқ пайти келмадимикин? Афсус, бундай ҳамюртларимиз яқин 5 йил аввал Болгария Президенти, фалсафа фанлари доктори, профессор Желё Желевнинг «Коммунизм — бу фашизм» номли китоби бир неча жилдда нашр этилганлигини билиб қўйишса ёмон бўлмас эди. Яна бир ҳолатга эътиборни қаратайлик: 1922 йил 30 декабрда СССР ташкил топган эди, деймиз. Аслида бу 1721 йил Пётр I барпо этган Россия империясининг янгича номи эди, холос. 20-йиллар ўрталарига келиб, большевиклар салтанатни яна ҳам мустаҳкамроқ идора этиш мақсадида маъмурий-ҳудудий бўлиниш сиёсатини амалга оширдилар. Айнан ўша кезлари Ўрта Осиё халқлари 5 республикага бўлиб юборилди. Бу мисолни келтиришдан асосий мақсад, ҳозир ҳам турли номлар билан иттифоққа бирлашиш ғояси илгари сурилмоқда. Азиз юртдошлар, бир нарсани унутмайликки, иттифоқни барпо этиш йўлидаги уриниш турли шаклда, ҳар хил ном билан ифода қилиниши мумкин. Лекин мазмун битта: қандай бўлмасин Россияга бўйсиндирилган, қарам қилинган ягона давлатни ташкил этишдир. Ана шундан эҳтиёт бўлишимиз лозим. Ахир «Оқ ит, қора ит — бариси ит-ку».

Империяни тикламоқчи бўлаётганлар қуёшли Ўзбекистонимизнинг серҳосил боғларини соғинган, улар ширин -шарбат анор, олма, қовун-тарвуз истайдилар. Бир пайтлар жуда арзон ишчи кучи бўлган ҳамюртларимиз «буюк салтанатга сидқидилдан хизмат қилишини» улар жуда-жуда қўмсаб қолган. Қаранг-а! Буюк бобомиз Амир Темур нақадар ўринли фикр айтган: «Душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрса-ю, яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг ҳукмига топшир».

Дарҳақиқат, биз танлаган йўл мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидан иборат. Биз ҳам кимларгадир тобе бўлиш учун мустақилликка эришганимиз йўқ. Президентимиз таъкидлаганидек, «Тарихни ортга қайтариб бўлмайди, бу — табиат ва жамият қонуни. Шундай экан, бу қонунларга хилоф иш тутган кишилар хато қилади». Зеро, баён қилинган фикрлардан умумий хулоса юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаб, келажак авлодларимизга озод ва обод ватан қолдиришдир.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» газетасининг сиёсий масалалар бўйича шарҳловчиси.**

---




*Чет эллар билан Маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида ёш рассом Жўра Асроннинг «Ассалом, Наврўз», «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуларига бағишланган асарларининг шахсий кўргазмаси очилди.*

*СУРАТЛАРДА: кўргазма залида.*

---

**ДИҚҚАТ!**

***Жиззах вилояти Пахтакор туманининг деҳқон бозорида 10 мартдан бошлаб ҳар якшанба куни автомашиналар олди-сотди бозори иш бошлади.***

**Машина бозорига марҳамат!**

*АТБ «Тошсоцуйжойбанк»нинг векселлари,*
№ 000017, серия TSB, номинал 50000 (Эллик минг) сўм;
№ 001010, серия 2-TSB, номинал 100000 (Юз минг) сўм
йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридаги молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Шавкат Нуритдиновга акаси
**Эркин НУРИТДИНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қўшиқчилик оламининг оташнафас ҳофизи, Ўзбекистон Халқ артисти
**Таваккал ҚОДИРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан республика санъат аҳлига, марҳумнинг ёру биродарлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Ўзбекистон почтаси» концерни раҳбарияти ва жамоаси, Тошкент алоқа коллежи директори
**Эркин НУРИТДИНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент алоқа коллежи жамоаси республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, «Алоқа устаси», коллеж директори
**Эркин НУРИТДИНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси «Наманганулгуржибиржасавдо» компаниясининг бош директори Мухторбек Халиловга онаси
**Қаряхон ХАЛИЛОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давтоғконтехназорати жамоаси шу жамоанинг собиқ раиси, собиқ иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер
**Тўлаган ТОШМУҲАМЕДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, узоқ-яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Фотон» ОТАЖнинг санаторий-профилакторийси бош шифокори
**Лола АБДУРАҲМОНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

